



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 29 май, № 103 (5777)

Чоршанба

АГРОСАНОАТНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖИ

илғор технологияларни кенг жорий этиш билан чамбарчас боғлиқ



Кеча Тошкент шаҳрида агросаноат учун минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2013" VIII Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг "Uzbekistan Agrotechmash Expo — 2013" II Халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси иш бошлади.



Сир эмаски, жаҳонда озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки экологик омиллар таъсирида кузатилаётган табиат инжикликлари — қурғоқчилик, сел ва тошқинлар, сув танқислиги, ерларнинг ме-

лиоратив ҳолати ёмонлашуви қишлоқ хўжалигига жиддий зарар етказаяпти. Экинлардан кутилган ҳосил олинмаслиги эса айрим давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллигига, нарх-наво ошиб кетишига олиб келаётди.

Шундай мураккаб бир шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги жадал суръатларда ривожланиётгани кўпчилигиде ҳавас уйғотаётди. Пахта ва галла, мева-сабзавот ҳамда полиз экинлари ҳосилдорлиги, гўшт ва сут етиштириш

ҳажми тобора ошиб бораётгани, ички бозор сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилаётгани бунга асос бўла олади. Кўргазмаларнинг очилиш маросимида қайд этилганидек, бу истиқлол йилларида соҳа

тубдан ислоҳ қилиниб, фермерлик ҳаракати ривожлантирилаётгани, тизимга замонавий технологиялар илчил татбиқ этилаётганининг юксак самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

ФЕСТИВАЛЬ

Самарқанд вилояти ёшларининг "Биз буюк юрт фарзандларимиз!" шiori остидаги фестивали худуднинг барча шаҳару туманларида юксак савияда ташкиллаштирилди.

«БИЗ БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!»

Истиқлолимизнинг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган бу галги тадбирда эса таниқли ижодкорлар, тадбиркорлар, ёш олим ва мутахассислар, спортчилар, талабаю ўқувчи ёшлар фаол иштирок этаётди.

— Фестиваль доирасида вилоятнинг барча худудларида "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти", "Депутат ва ёшлар", "Президент асарлари билимдон", "Истиқлол истеъдодлари", "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!", "Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси" деб номланган ўндан зиёд лойиҳалар ўтказилди, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши раиси Алишер Норбоев. — Ёшларнинг маънавий камолотига хизмат қилувчи ушбу лойиҳаларда 40 минг нафарга яқин йигит-қизлар қатнашди. Энг муҳими, улар эл ардоғидаги актёр ва актрисалар, эстрада хонандалари, таниқли шоиру ёзувчилар, тарихчи олимлар, психологлар билан учрашув, давра суҳбати ҳамда очик мулоқотларда ўз дунёқараш ҳамда тафаккурларини янада бойитишга муваффақ бўлдилар.

Бундан ташқари, фестиваль доирасида уюштирилган ёш тадбиркорларнинг маҳсулотлари кўргазмаси, иншоолар ҳамда интернет танловлари, янги нашр этилган китоблар ва "MIT.uz" миллий интернет танловининг тақдиротлари, ёш дастурчи, веб-дизайнер, фотосуратчи ҳамда журналистлар форуми каби ранг-баранг, сермазмун тадбирлар барчада унутилмас таассурот қолдирди.

(Давоми 4-бетда).

БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари 28 май кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази раҳбарлари билан учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р. Қодиров билан учрашувда Президентимиз Исроом Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ва суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмидаги тақдиротлари билан БМТ делегацияси аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар натижасида прокуратура органларининг фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркин-

ликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда уларга риоия этилишини таъминлашга риоия устувор эътибор қаратилаётгани қайд этилди. Прокуратура органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиши доирасида сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, жумладан, "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Жиноят ишлари юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида"ги қонунлар мазмун-моҳияти бўйича инсон ҳуқуқларининг муҳофазасига қаратилгандир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов билан мулоқот чоғида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб

белгилангани, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилгани алоҳида таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича таъминнинг узлуксиз тизими яратилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш тизими ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариб келмоқда. Мамлакатимиз БМТ конвенциявий органлари, шунингдек, ихтисослашган механизмлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек тилида нашр этилди.

(Давоми 2-бетда).

БАРКАМОЛ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ

"Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вколатхоналари ҳамкорлигида "Ўз келажагимизни ҳамжиҳатликда яратамиз" мавзусидаги VI Республика болалар форуми ташкил этилди.

ФОРУМ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари қатнашган ушбу тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда Президентимиз раҳнаомлигида болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида бекиёс гамҳўрлик кўрсатилаётгани алоҳида эътироф этилди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Бугунги тараққиёт суръатлари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг муҳим тармоғи — софтвер индустрияси салоҳиятига узвий боғлиқдир. Бойси ушбу жабҳага оид ҳар қандай янгилик бевосита давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини, инсонларнинг қўнғилиқ

ҳаёти учун янада кўпроқ қўлайликлар яратиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб ушбу соҳани раванқ топтириш, бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг бойси шунда.

ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари бўйича Миллий маркази директори А. Саидов билан мулоқот чоғида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб

белгилангани, мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилгани алоҳида таъкидланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича таъминнинг узлуксиз тизими яратилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш тизими ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажариб келмоқда. Мамлакатимиз БМТ конвенциявий органлари, шунингдек, ихтисослашган механизмлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. БМТ Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзбек тилида нашр этилди.

лаш ҳамда дастурчилар қатнашди. Илғилишда "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг рағбатлантириш ва ривожлантириш бўйича нормалар ижроси, ахборот технологиялари бозорининг давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг оптимал йўллари муҳокама қилиниб, те-

риш борасида белгиланган аниқ мақсадли йўналишлар аҳамияти, мазмун-моҳиятига алоҳида ургу берилди. Маълумки, ҳозирги кунда софтвер маҳсулотларини кенг асортиментда етказиб бериш

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар

Урганлик тадбиркор Азизбек Султонов раҳбарлик қилаётган "Иззатуллоҳ Султонов" хусусий корхонасида замонавий дераза ромлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Уйларга кўрк бағишлайди

— Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши кўлами кенгайтириш билан корхонамиз маҳсулотларига эҳтиёж ортиб бораёпти. — дейди тадбиркор. — Цехимиз замонавий, тежамкор технологиялар билан жиҳозланганлиги туфайли қисқа муддатда 20 та тураржойни ойна ва дераза ромлари билан таъминлашга эришдик. Янги иш ўринлари ҳам яратилди. Маҳсулотларимизнинг сифати яхши, таннархи арзон.

Эътиборлиси, вилоятда жорий йилнинг ўтган тўрт ойида 19 минг 633 та иш ўрни яратилди.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Табиий ва тотли

Китоб туманидаги "Севаз табиий шарбатлари" масъулияти чекланган жамиятида босқичма-босқич модернизациялаш ишлари амалга оширилиши натижасида бу ерда маҳсулот турлари кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортди.

Хусусан, ўтган йили корхонанинг йиллик консерва маҳсулотлари тайёрлаш қуввати 400 тоннадан 1000 тоннага етди.

Ҳозир жамиятда 2 литрдан 5 литргача бўлган идишларда махсар ёғи ва табиий шарбатлар ҳамда ширинликлар ишлаб чиқарила-

япти. Ушбу жараёнда замонавий ускуналардан самарали фойдаланилаётди. Бу эса ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдирши имконини бермоқда.

Аҳод МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Шартномалар

ИМЗОЛАНДИ

Жиззах туманидаги "Жиззах полимери" масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 500 миллион сўмликдан ортиқ 50 турга яқин полиэтилен қувурлар ва плёнкалар ишлаб чиқарилди.

— 14 кишилик жамоамиз билан ҳар ойда 100 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бераёламиз, — дейди жамият раҳбари Хайрулла Омонов. — Яқинда банкнинг 800 миллион сўмлик кредити ва ўз маблағимиз эвазига хитойлик ҳамкорлар билан лойиҳа қиймати 447,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган 2 та технологик линияни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

Мазкур лойиҳалар амалга ошган, полиэтилен маҳсулотлар тури ортиси баробарида, маҳаллий бозор учун янгилик ҳисобланган ёғоч ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Улғужо АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Янги лойиҳа шарофати

Поп туманидаги "Асадбек Чоркесар" фермер хўжалиги қошидаги янги тармоқда трикотаж ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши билан экспорт имконияти ҳам юзага келди.

"Абдумалик-Лазиз импекс" номи берилган мазкур корхона маҳсулотларининг асосий қисми ташқи бозорга чиқарилаётган.

— Янги лойиҳа шарофати билан 70 киши ишли бўлди, — дейди қишлоқ мулкдори Абдумалик Йўлдошев. — Ҳозир бу ерда 20 дан ортиқ турда сифатли трикотаж маҳсулотлари тайёрланаёпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида 46 минг АҚШ долларига тенг дастлабки

маҳсулотимизни экспортга чиқардик. Айтиш лозимки, ушбу даврда Наманган вилоятидаги худудий экспортчи корхоналар томонидан ташқи бозорга 4,5 миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот чиқарилиб, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,4 баробар ўсишга эришилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Хозирги кунда Фаргона вилояти адлия бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Масалан, жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 217 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, судларга мазкур муурожаатлар асосида давво аризалари киритилди ва шундан 158 таси ижобий ҳал этилди. Айни чоғда бошқармада томонидан ушбу даврда 5 мингдан зиёд қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, уларни бартавраф этиш юзасидан тегишли идораларга жами 147 та такдимнома, 210 та оғоҳнома, 46 та кўрсатма ҳамда маъмурий иш кўзгатиш тўғрисида 38 та таклиф киритилди.

ни юксалтириш, уларда қонунларга хурмат ҳиссини шакллантиришга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Инсон ҳуқуқлари йўналишида қонунларга риоя этилиши юзасидан тегишли давлат идораларига таклифлар киритиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисида муурожаатларининг ҳолисона, ҳар томонлама кўриб чиқишини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар олиб борилаётгани эътиборлидир.

Бундай кенг қўламли ишлар самараси фуқаролар ҳуқуқий фаоллиги ошиб бораётгани мисолида намоён бўлаётган, десак хато бўлмайди. Анниқроқ айтдиган бўлсак, бугунги кунда аҳоли ҳуқуқлари бузилган ҳолатларда қаерга муурожаат қилишни яхши билади. Масалан, Фаргона шаҳрилик фуқаро С. Ҳасанбоева бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Фаргона шаҳар бўлими ходимларининг хатти-ҳаракатларидан

норози бўлиб, муурожаат қилганди. Унда Фаргона шаҳри ҳокимининг 2012 йил 23 майдаги қарори билан жияни С. Ҳасанбоева васий этиб тайинлангани, шу асосида 2012 йил 29 майда Пенсия жамғармаси бошлиги номига боқувчисини йўқотганлик пенсиясини тайинлашни сўраб ариза берганига қарамай, турли баҳоналар билан сансалорликка йўл қўйилаётгани, жамғарма ходимлари томонидан етказилган маънавий зарарни ўндириб, уларга нисбатан қонуний чора кўрилиши сўралган. Муурожаатни ўрганиш жараёнида шаҳар Пенсия жамғармаси бошлиғи М. Қўлдашевга нисбатан маъмурий иш расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Фаргона шаҳар суди қарори билан жарима жазоси тайинланди. Фуқаролик ишлари бўйича Фаргона туманлараро суди томонидан эса С. Ҳасанбоеванинг фойдасига моддий зарар ўндириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Кўриниб турибдики, юртимизнинг барча жойларида бўлганидек, вилоти-мизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиш борасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Эеро, Конституция-мизда алоҳида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Раваҳан ҚИРҒИЗОВ, Фаргона вилояти адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

ИНТИЛИШ

Юртимиз ўғил-қизларининг истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида уюштирилаётган турли кўрик-танловлар, илмий-амалий анжуманлар, фестиваллар, тадбирлар навқирон авлод вакилларининг кўп қиррали интеллектуал салоҳиятини намоён этишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ана шундай тадбирлардан бири иқтидорли, ташаббускор ва фаол ёшлар байрами — "Талабалар баҳори" фестивалидир.

«ТАЛАБАЛАР БАҲОРИ»

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор вазирилик ва идоралар ҳамкорлигида олий ўқув юр-тлари талабалари ўртасида ил-мий-иқтисодий ҳамкорликни яна-да мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро таъриба алмашиши ҳамда илмий фаолият олиб боришда бир-бирига қўмак-лаштириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни фан-техника тараққийоти йўлида бирлаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган мазкур фестивалга Хоразм вилояти мезбонлик қилаётёр.

Фестивалнинг тантанали очилиши Урганч шаҳридаги "Авесто" бог-мажмуасидаги амфитеатрда бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз раҳ-намолигида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда баркамол авлод-ни тарбиялаш, уларнинг истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

ши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берувчи кўргазмалар намойиш қилинди. Тад-бирга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи ва битирувчилари ҳам жалб этилди.

Анжуман дастуридан ўрин олган "Кувноқлар ва зукколар", "Ниҳол" талабалар театри томошалари танловлари, "Заковат" интеллектуал ўйини, спорт мусобақалари талабаларининг билим, иқтидор ва маҳоратини ривожлантиришга хизмат қилди. Фестивалнинг очилишида Хоразм вилояти ҳокими П. Бобононов иштирок этди.

О. ЖУМАНИЕЗОВ.

Тинчлик қадр

Инсон учун тинчлик, тотувликдан ортик бахт йўқ. Истиклол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан изчил амалга ошириб келинаётган ислохотлар самараси ҳам юртимизда осойишталикни мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

— Бугунги кунда тинчликни асраб-авайлаш маъсулиятли вазифадир, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспор-тдаги ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи Суннат Шеров. — Бу борада тегишли тушунтириш-тарғибот ҳамда профилактика ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур чора-тадбирлар аҳолини янада оғоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш-га чақириб, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, Ватанимиз равнақи йўлида рўёбга чиқарилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳисси билан воғая етказиш, ёт гоғлар, турли характердаги офатлар-нинг олдини олишда катта роль ўйнайди.

Тадбирда мамлакат осойишталиги ва барка-рорлиги, фуқаролар тинчлигини таъминлаш каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди. Яқунда "Тинчлик учун курашмоқ керак" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Мамлакатимизнинг барча олий таълим му-ассасалари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва мактаблар-да саломатлик дарслари ўтказилди. Интерфаол шаклда уюштирилган мазкур тадбирларда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид ижтимоий видеолавҳалар намойиш қилинди. Инсон учун саломатлик энг олий бойлик экани ҳақидаги гоғани ёшлар онгига етказишга оид буклетлар тарқатилди.

М. ҚОСИМОВ.

ТАДБИР

Яқунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Учув-чилар мажмуаси ҳамда "Uzbekistan Airways Technics" корхонасида ҳаво йўллари ходимлари учун "Тинчлик ва осойишталик — ютуқларимиз асоси" мавзуида ташкил этилган давра суҳба-тида шулар алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг Транспор-тдаги ИИБ ва бошқа тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ўтказилган тад-бирда миллий авиакомпания ходимлари, омма-вий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида ташкил этилган

Иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди

кичик бизнес ва ҳусусий талбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоғларини аниқлаш бўйича танлов эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли ва 2011 йил 7 февралдаги «Кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1474-сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш фонди ташкил этилган.

Фонд томонидан лойиҳа гоғларини аниқлаш ва лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилди ҳамда республика тижорат банклари томонидан инвестиция лойиҳаларининг молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашди.

Танлов кўйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган сановат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янгилан.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва сановат соҳасида татбиқ этиш истиқболга эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамчини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоғлар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоғларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун кўйидаги ҳужжатларни такдим этиш лозим:

- ариза (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи (намуна бўйича);
— инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

Батафсил маълумот учун телефонлар: (+998 71) 238-69-07, 238-69-08.

Web-site: www.fpd.uz E-mail: pdf.fund@gmail.com

Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй,

Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.

Мўлжал — «Истиклол» санъат саройи, метронинг «Бунёдкор» бекати.

Ўзбекистон қизил ярим ой жамияти
ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ БЎЙИЧА КЎРИК-ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Хурматли ҳамкасблар!
Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти сизларни анъанавий кўрик-танловда қатнашишга таклиф этади. Танлов Халқаро ҳаракатнинг 150 йиллигига бағишланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4053-сонли Қарори ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Р-4010-сонли Қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш мақсадида ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Қува тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 15 январдаги 19-1203/17075-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қува тумани, «Баҳор» ҚФЙ, Мустақиллик қишлоғида жойлашган, «UNIAGRO INVEST» МЧЖда сақланган бир дон «Гидроохладитель К5 МНУС 8Н-4000» русумли совитиш ускунаси ва бир дон «АЛАРА» русумли гилос саралаш ускунаси такоран қўйилмоқда.

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:
1. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 7172-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Кангли кўчасидаги 16-уй.
2. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан 7027-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В. Қодиров кўчасидаги 235-уй.
3. Бекобод тумани СИБ томонидан 2011 йил 5 декабрдаги 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Шова маҳалласида жойлашган ўй-жой.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сирдарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 7 июлдаги 12-0904/хс/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сирдарё вилояти МТПлар» бирлашмасига тегишли, Гулистон шаҳри, 2-мавзе, Н. Зокиров кўчасида жойлашган, умумий қурилиш майдони 2152,66 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 2004,57 кв.м.дан иборат идора ва ёрдамчи бинолар қўйилмоқда.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
1. Аукцион савдосига Суд департаментининг Қашқадарё вилояти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Maxtel Construction» корхонасига тегишли қуйидаги кўчмас мулклар такоран қўйилмоқда:
1. Қарши шаҳри, «Табасум-1» МФЙ, Б. Шерқулов кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 1708,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1555,67 кв.м. бўлган «Мовий гумбаз» чойхонаси.
2. Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 14426,67 кв.м., қурилиш майдони 2365,32 кв.м. бўлган ёрдамчи хўжалик бинолари.



Бекзод Бойкелдиев — бўлажак иқтисодчи. Ҳадемай, Тошкент давлат аграр университетининг магистратура босқичини тамомлайди.

верситети Жисмоний тарбия кафедраси мудири Шухрат Эрматов. — Ҳар бир талабамизга индивидуал тарзда ёндашиб, тажриба ва маҳоратини тоблашга ҳаракат қилаяпти.

лашди. Олий таълим даргоҳи спорт саройларида ташкил этилган баҳслар 500 дан ортиқ талабаларни камраб олган бўлса, Ангрнда таҳсил олаётган бўлажак педагоглар билан кечган беллашувлар терма жамоа таркибини энг муносиблар билан тўлдирдиш имконини берди.

МАҲОРАТ МАШҒУЛОТЛАРДА САЙҚАЛЛАНАДИ

Албатта, бу муваффақиятлари унга сўнгги марра эмас. Айни пайтда Бекзоднинг бутун диққат-эътибори Бухоро сафарига қаратилган. Универсиаданинг олтин медалини кўлга киритиши — унинг энг катта озуралидир бири. Аслида, бундан уч йил бурун Андижонда бўлиб ўтган худди шундай мусобақада мақсадига эришди деганди. Аммо рақиб ён бермади. Ушундан маҳорат, тажриба, изланиш спортчи учун гоёт муҳим эканига яна бир қарра амин бўлди ва "Келаси сафар, албатта, биринчи бўламан", дея ахд қилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан шаклланди уч босқичли спорт мусобақалари тизими ёш авлоднинг оммавий спортга жалб этишда катта имконият яратиши баробарида, улар учун чинакам маҳорат мактаби вазифасини ҳам ўтаётти. Спортчиларимизнинг нафақат мамлакат, балки халқаро миқёсдаги турили нуфузли мусобақаларда эришяётган муваффақиятлари бунинг яққол тасдиғидир. Кўҳна ва навқирон Бухоро замини мезонлик қилаётган бу галги ёшлик, шижоат ҳамда нафосат байрами ҳам янги истеъдодларни кашф этиш билан бирга, юзлаб ўғил-қизларимизнинг ирода ва маҳоратини тоблашга, улар учун

жаҳон ареналари сари кенг йўл очиб беришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

имконияти ошди. Шу боис ҳам Бухородаги беллашувлар мурасасиз кечиши кутилапти.

Шу кунларда Тошкент вилояти ёшлари ҳам мазкур нуфузли мусобақага қизгин ҳозирлик кўришмоқда. Тошкент давлат аграр университетининг 39 ҳамда Ангрн шаҳридаги вилоят педагогика институтининг 10 нафар талабасидан иборат вилоят терма жамоаси "Универсиада — 2013"нинг финал босқичида спортнинг саккиз тури бўйича голиблик учун кураш олиб боради.

— Ҳозир университетимизнинг 5 та спорт зали ҳамда Ангрн шаҳридаги "Дукент" спорт-соғломлаштириш мажмуасида сўнгги ўқув-машғулот йиғинларини ўтказаяпти, — дейди Тошкент давлат аграр уни-

верситети Жисмоний тарбия кафедраси мудири Шухрат Эрматов. — Ҳар бир талабамизга индивидуал тарзда ёндашиб, тажриба ва маҳоратини тоблашга ҳаракат қилаяпти. Чунки ўтган йиллар мобайнида Универсиада ўйинларида рақобат анча кучайди. Жамоаларнинг

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН КАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 18 МАЙДАН 24 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

5. «Ўзбекистон Республикаси банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2013 йил 26 апрелдаги 9/4-сонли қарори.

2013 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1834-2 (2013 йил 27 майдан кучга кирди).

6. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (7-сонли БҲМС) «Номоддий активларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2013 йил 17 майдаги 51-сонли буйруғи.

2013 йил 22 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1485-2 (2013 йил 27 майдан кучга кирди).

7. «Маширий хизмат кўрсатиш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги 32-Б-сонли буйруғи.

2013 йил 24 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2458 (2013 йил 27 майдан кучга кирди).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

«Ўзбекистон Республикасида радиоактив қўқунлар билан муомалада бўлиш ва узоқ муддатга сақлаш бўйича низоми тасдиқлаш ҳақида» буйруқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қабрини геологик ўрганиш, санаят-да, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бекхатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиғи билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат ҳужжат деб топилади.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.

Адлия вазирлиғида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

ОРОМҒОҲЛАР БОЛАЛАРГА МУНТАЗИР



Ёз фасли яқинлашиши билан болақонларимиз таътилни мароқли ўтказиш, унинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланган ҳолда, турли маданий-маърифий тадбирларда, спорт мусобақаларида иштирок этиш, табиат кўйини саёҳатларга чиқишнинг ният қилишадиган. Табиийки, мамлакатимизнинг энг сўлим гўшаларида жойлашган болалар оромгоҳлари ана шу пайтларда тўлиқ шай ҳолатга келтирилади.

Чунончи, жорий йилда республикамиз бўйича 951 оромгоҳ фаолият юритиши кўзда тутилган. Шундан 210 таси шаҳардан ташқарида жойлашган бўлса, 720 таси таълим муассасалари, жумладан, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар қошида, 16 таси эса мактабгача таълим муассасалари, 5 таси "Баркамол авлод" болалар марказлари қошида ташкил этиляпти.

Ёзги таътил — 2013

Жорий йилда мамлакатимизда ташкил этилган 951 болалар оромгоҳи, спорт-соғломлаштириш марказларида **280 минг** нафарга яқин ўқувчи дам олиши режалаштирилган.

ёшлар — юрт келажаги. Бинобарин, республика миқёсида ўтказилган "Билимдонлар синови"да юқори натижаларга эришган ўқувчиларга узулқисм таълим бериши, уларни халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш, қобилиятларини рўйга чиқариш мақсадида 15 та "Ёзги интеллектуал оромгоҳ" ҳам мавсумга ҳозирлаб қўйилди. Ушбу масканларда олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида кечалар, семинар-тренинглр ва маҳорат сабоқларини уюштириш режалаштирилган.

Албатта, бундай қулайликлар ўқувчиларнинг ёзги таътилни кўнглидагидай ўтказишларида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан ҳамкорликда экологик вазият мураккаб худудлар, хусусан, Оролбўйи минтақаси болаларининг дам олиш-ҳам барча шарт-шароитга эга оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилган.

Баҳридин ШАЙВАЛИЕВ, Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари.

«Биз буюк юрт фарзандларимиз!»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кувонарлиси, мазкур фестиваль самарқандлик ёшлар учун чинакам байрамга айланди. Вилоят марказидаги "Ёшлик" истироҳат боғида эл ардоғидаги машҳур санъаткорлар, эстрада хонандалари ижросидаги катта концерт дастури намойиш этилди. Самарқанд педагогика коллежи амфитеатрида эса гала-концерт уюштирилди.

ди. Унда фестиваль доирасидаги маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этганлар "Энг яхши маънавият тарбиячиси", "Энг яхши ҳуқуқ тарбиячиси", "Энг намунали илм-фан фидойиси", "Энг яхши соғлом турмуш тарзи тарбиячиси" каби номинациялар бўйича тақдирландилар.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРО ТОМОНЛАРДА

"Ҳамшира — 2013" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Ушбу аънанавий тадбирга бўлган қизиқиш бу йил янада кучайди. Негаки, танловнинг қуйи босқичларида 347 нафар ҳамшира иштирок этганди. Улар орасидан энг маҳоратли ва билимли деб топилган 13 нафар ҳамшира саралаб олинди.

Билим ва малака кўриги

Ҳамширалар даставвал республика Шошқилнинг тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида амалиёт бўйича синовдан ўтдилар. Беморлар ҳолатини ўрганиш, унга биринчи ёрдам кўрсатиш борасидаги

маҳоратлари, эпчилликларини намойиш этидилар. Кейин эса иқтисодий-сиёсий саволлар, бадиий қисм шартлари бўйича беллашдилар. Яқунда Бухоро шаҳридаги 7-оилавий поликлиника ҳамшираси Шаҳноза

Собирова энг кўп балл жағмамб, биринчи ўринни эгаллади. Фолибга тақдирландилар томонидан компьютер тўплами совға қилинди. Шаҳноза энди кўрик-танловнинг республика босқичида катнашади.

Вилоятда айни пайтда 27 та музей фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур масканларда сақланаётган энг сара ва нодир экспонатлар асосида "Бухоро музейларининг дурдоналари" деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Нодир экспонатлар намойиши

— Кўргазмадан V — VIII асрларда Варахша саройи деворига қизилган "Шаҳзоданинг қоплон ови" сурати фотопродукцияси, археологлар томонидан кўҳна Пойкент шаҳристонига олиб борилган қазилмалар чоғида топилган ашёлар, нуμισматикага оид коллекциялар тўплами, қадимий хунармандчилик буюмлари, воҳанинг халқ амалий санъати намуналари ўрин олган, — дейди Бухоро давлат музей-қўриқхонаси директо-

рининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Карим Рустамов. — Буларнинг бари халқимизнинг бой маданий меросидан далолат беради. Қолаверса, кўргазма қадимий Бухоронинг марказида жойлашган Тасвирий санъат музейида ташкил этилгани нафақат вилоятимиз аҳолиси, балки хорижий сайёҳлар учун ҳам қулайлик яратяди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Қибрай» клиник санаторийси

юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сифатдоҳидир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етуқ мутахассислар тиббиётнинг энг илгор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Сифатдоҳда сауна, сузиш ҳавзаси, фитобар, теннис корти, бильярд ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тасвია қилинади.

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай кўрғонини. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатига чор бориш мумкин.

Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

«NEW ESTATE ACTION» МҶШ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида тақлиф этилади.

Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани СИБ томонидан 2012 йил 2 ноябрдаги 11-1236/10417-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Оҳангарон тумани, Санаят худудида жойлашган, умумий ер майдони 4,80 гектар, 0001 литердаги идора биноси, 0002 литердаги ишлаб чиқариш цехи, 0003 литердаги ишлаб чиқариш цехи, 0004 литердаги омборхона, 0005 литердаги омборхона, 0006 литердаги омборхона бино-иншоотлари савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 176 400 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 3 июль кунин соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2013 йил 3 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрийр аукцион савдоси 2013 йил 10 ва 17 июль кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида катнашиб истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «NEW ESTATE ACTION» МҶШнинг ХЕАТБ «HI-TECH BANK»даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904995394001, МФО: 01066, СТИР: 302373151.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Махмуд Торобий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига малакали хизмат кўрсатишни ташкил этиш, уларнинг кафолатли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Савдо-санаят палатаси ижро этувчи кўмитаси аппарати ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида рўйхатда турувчи, мутахассислик бўйича олий маълумотга ҳамда камида 3 йиллик меҳнат стажига эга бўлган, ўзбек, рус ва инглиз тилларини мукамал биладиган номзодлар катнашишлари мумкин.

Танловда иштирок этувчилар Ўзбекистон Республикаси Савдо-санаят палатаси Ижро этувчи кўмитаси ҳузуридаги махсус комиссия томонидан суҳбатдан ўтказилади ва мазкур комиссиянинг ҳулосасига кўра ишга қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-60-06, 150-60-05. E-mail: info@chamber.uz, http://www.chamber.uz

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD.

▲ Экскаваторы колесные и гусеничные
▲ Фронтальные погрузчики
▲ Мини-погрузчики
▲ Экскаваторы-погрузчики
▲ Вилочные погрузчики

ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ

ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118. Телефон: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60. E-mail: gsthyundai@gmail.com Web site: www.hhi.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 114 475 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Тажриятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳфаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти жамоаси «Халқ сўзи»нинг Сирдарё вилояти бўйича мухбири Шомурод ХОЛМУРОДОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — М. Оқунова. Мусахҳиш — С. Исмолов.